


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 10 июнь, № 113 (6548) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!



*Ўзбекистон ўтган қисқа давр мобайнида изчил тараққий этаётган замонавий индустриал мамлакатга айланди. Айни кунда иқтисодиётимизда саноатнинг улуши 34 фоизга етиб, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар ҳиссаси 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани бунинг тасдиғидир. Президентимиз томонидан жорий йил 2 июнда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорда шу ҳақда сўз борар экан, олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида юртимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада модернизация ҳамда диверсификация қилиш ҳисобидан тараққиётимиз локомотиви бўлган етакчи тармоқларни жадал ривожлантириш муҳимлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.*



## УЛКАН САЛОҲИЯТ, БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР, ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ

**ИСЛОҲОТ**

Дарҳақиқат, талаб ва таклиф уйғунлиги — бозор иқтисодиётининг муҳим шарти. Юқори сифат ҳамда нарх-наво мақбуллиги эса соғлом рақобат муҳитида ҳал қилувчи мезон ҳисобланади. Бугун дунё саноатида юқори унумли технологиялардан фойдаланиш афзал кўрилаётганининг боиси ана шунда. Ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш йўналишидаги истиқболли лойиҳалар ҳам айнан ушбу мақсадлар рўёбига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бунинг амалий самараси эса иқтисодиётимиздаги юқори ўсиш суръатларида кўзга яққол ташланмоқда. Айтайлик, жорий йилнинг дастлабки чорагида биргина Фарғона вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот 6,9 фоиз, саноат товарлари тайёрлаш 13,3 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 15,3 фоиз кўпайди. Уларнинг 108,7 миллион АҚШ долларилик қисми жаҳоннинг 100 га яқин давлатларига экспорт қилинди. Бинобарин, вилоятга жалб этилган инвестицияларнинг қарийб 70 фоизи ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий техника ҳамда технологияларни сотиб олишга йўналтирилди.

Қувасой шаҳрида жойлашган "Kvarts" ациядорлик жамияти ҳам Фарғонадаги салоҳиятли корхоналардан биридир. Ҳозир бу ерда енгил автомашиналар, автобус ва тракторлар, шунингдек, қурилиш саноати тармоқлари учун юқори сифатли ойна ҳамда шиша маҳсулотлари тайёрланаяпти.

Саноат мажмуаси ҳудуди 48 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, асосий технологик жараён бешта цехда амалга оширилаётир. Уларда 2100 нафардан зиёд ишчи-мутахассис меҳнат қилмоқда.

Чунончи, шиша идишлар тайёрлаш цехида иш конвейер усулида ташкил этилган. 2005 йилда Германия давлатидан 5 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ эвазига келтирилган ускуна ва дастгоҳларни маҳаллий мутахассислар моҳирлик билан бошқараяпти. Улар саъй-ҳаракати туфайли бир кеча-кундузда 175 минг дона шартли сиғимдаги идишлар ишлаб чиқарилаётир.

(Давоми 2-бетда).

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Парижда буюк саркарда ҳамда давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган конференция, унинг доирасида суратлар кўргазмаси ташкил этилди.

## Францияда Амир Темур ва темурийлар меросининг эътирофи

Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси томонидан Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси ҳамда Дордонь департаменти билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур тадбирда Франциянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт ва маданий-гуманитар доиралари, халқаро ташкилотлар, шунингдек, Парижда аккредитациядан ўтган дипломатик корпуслар вакиллари ҳозир бўлди.

Конференцияда қайд этилганидек, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида улуғ аждодларимизнинг маданий-маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда уни янада бойитиш, ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунда, шубҳасиз, Амир Темур меросининг ўрни жуда каттадир.

Соҳибқироннинг кенг қамровли фаолияти шаҳарларни тиклаш, маҳобатли меъморий ёдгорликлар бунёд этиш, санъат, шеърият ва ҳунармандчиликни ривожлантиришда ҳам намоён бўлади. У мамлакатни маҳорат билан бошқариш тажрибасига эга эди. Бу эса давлатда тинчлик-осойишталик ҳукм суриши, илм-фан, савдо-сотиқ ҳамда ҳунармандчилик ривожига хизмат қилди.

Конференция қатнашчилари бундан олти юз йил муқаддам Амир Темур Франция билан яқин ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш саъй-ҳаракатларини олиб борганига алоҳида эътибор қаратдилар. Бугун икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларга соҳибқирон ҳукмронлиги даврида асос солингани, саркарданинг XV аср бошида Франция қироли Карл VI билан олиб борган ёзишмалари бундан гувоҳлик бериши қайд этилди.

Маърузаларда Амир Темур жаҳон тарихида камдан-кам учрайдиган улуғ сиймо эканлиги, шу боис унинг ҳаёти ва фаолияти, дунё цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси кўплаб мамлакатларда кенг миқёсда тадқиқ қилинаётгани тилга олинди. Жумладан, айни пайтда Францияда Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси муваффақиятли фаолият кўрсатаётгани бунинг тасдиғидир.

Мазкур **ассоциация президенти Фредерик Брессан** ўзи раҳбарлик қилаётган уюшма Темур ва темурийларнинг маданий ҳамда илмий меросини ўрганиш, уни оммалаштириш, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган ишлари хусусида тўхталар экан, таниқли тарихчи олим, "Шуҳрат" медали соҳиби, соҳибқирон ҳақидаги асар муаллифи Люсьен Керен ушбу ассоциацияга асос солгани ва унинг биринчи президенти бўлганини айтди.

Ф. Брессан ўз чиқишида Амир Темурнинг ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида атрофлича фикр юритди.

— У буюк бунёдкор, санъат, илм-фан ва маданият ҳомийси бўлиб танилди, — деди ассоциация президенти. — Францияда соҳибқироннинг инсонпарварлик руҳи билан суғорилган меросини ўрганишга қизиқиш катта.

(Давоми 4-бетда).

**АНЖУМАН**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Standard & Poor's" халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган, Ўзбекистон тижорат банкларининг халқаро рейтинг олиши ва қайта тасдиқланиши масалаларига бағишланган навбатдаги йиллик конференция ўз ишини якунлади.

«Standard & Poor's»:

## Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги таъминланмоқда

Президентимизнинг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида уюштирилган ушбу тадбирда тижорат банклари, кредит ташкилотлари билан ҳамкорлик қилувчи халқаро ҳамда маҳаллий аудиторлик компанияларининг уч юздан ортиқ раҳбар ва масъул ходимлари қатнашди.

Аёнки, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар молия-банк тизимининг барқарор ривожланишига мустаҳкам пойдевор бўлмоқда. 2016 йилнинг биринчи чорагида банк тизимининг жами капитали ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 23,2 фоиз, активлари 25,4 фоиз, депозит базаси 27,6 фоиз ўсди.

Анжуманда "Standard & Poor's" таҳлилчиларининг суверен кредит рейтингини юқори кўтаришнинг истиқболлари, халқаро банкларнинг кредитлашдаги асосий шартлари, шунингдек, банк тизимининг иқтисодий ва соҳавий таваккалчиликларга таъсири масалаларига бағишланган тақдимотлари бўлиб ўтди.

Экспертлар банк тизимининг Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти хусусида ўз баҳоларини билдирар экан, банк тизимининг барқарор ресурс базаси, банк назоратининг самарадорлиги иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бири эканлигига эътибор қаратдилар.

(Давоми 3-бетда).

## Тараққиётнинг ойдин йўллари

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори истиқлолга эришиб, ўзимизнинг ҳаққоний, тўғри йўлимизни танлаб олганимиз, шу асосда улкан ютуқларни қўлга киритганимиз, халқимизнинг тинч ҳамда осудалигини таъминлаб, буюк келажагимиз сари дадил қадам ташлаётганимизнинг яна бир тасдиғи бўлди.

**МУНОСАБАТ**

Маълумки, соғлом миллат ҳар бир мустақил давлатнинг энг катта бойлиги саналади. Шу маънода, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш асосида она ва бола соғлиғини асраш бўйича дунё эътироф этаётган миллий модель яратилди. Бундай олижаноб мақсад йўлида амалга оширилган ишлар болаларимизнинг соғлом туғилиши, улғайиши, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилишдек эзгу саъй-ҳаракатларимизда ўзини намоён этмоқда. Бинобарин, уларнинг замирида инсон, унинг манфаатлари устуворлиги мужассамдир.

Айтиш лозимки, юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини тубдан юксалтириш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Айниқса, қабул қилинган қонунлар, Фармон ва қарорлар соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг янада чуқурлашувига, шифокор меҳнатининг қадр топишига олиб келди. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, бирламчи тиббий хизмат тизимини тубдан яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, ихтисослаштирилган марказлар ҳамда шошилинч тиббий хизмат тизимини ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби йўналишларда туб ўзгаришларга эришилди.

(Давоми 2-бетда).




Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остидаги ёшлар фестивали Тошкент шаҳрида кўтаринки руҳда ўтказилди.

## Беғубор орзулар, муштарак мақсадлар

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида келажагимиз эгаларини ягона мақсад сари бирлаштиришни кўзлаб ташкил этилган мазкур анжуман тадбирларида 515 мингдан зиёд ўғил-қизлар қатнашди.

Ушбу фестиваль ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлаш, уларни мамлакат равнақи учун камарбаста инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

## ННТ фаолияти ва ижтимоий шериклик

Пойтахтимизда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари ҳамкорлигида семинар-тренинг ўтказилди.

**ТАДБИР**

Ушбу ҳудудларда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирок этган тадбир давлат дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришда ижтимоий шериклик муносабатлари ва унинг шакл ҳамда механизмларини янада такомиллаштириш масаласига бағишланди.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аёллар ва ёшларга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўмаклашиш баробарида, ҳудудларда ишсизликнинг олдини олиш ҳамда меҳнат бозорида барқарорликка эришиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Тараққиётнинг ойдин йўллари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўз навбатида, бир қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли бирламчи тиббий муассасалар энг замонавий жиҳозлар, тиббий анжомлар билан таъминланганлиги аҳолига катта қулайлик яратиши баробарида, хизмат сифати ва малакасининг юксалишига йўл очди.

Ислоҳотлар жараёнида ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этиш орқали даволаш-профилактика ишларини халқаро андозалар даражасига кўтариш борасида қатор ютуқлар қўлга киритилганини таъкидлаш ўринлидир. Бунда илгари самарасиз фаолият юритиб келган шифохоналар бирлаштирилиб, улар негизида моддий-техника имкониятлари ривожланган ҳамда юқори малакали хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган замонавий муассасалар шакллантирилди.

Умуман, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида мамлакатимизда оналар, болалар, чақалоқлар ўлими кескин камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришгани ҳар биримизга ғурур бағишлайди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган, энг мураккаб касалликларни ҳам даволай оладиган шифохоналар нафақат пойтахтимизда, балки вилоятлар марказлари ҳамда туманларда ҳам барпо этилди. Масалан, илгари юрак жарроҳлиги амалиётлари ҳудудларда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари учун ушалмас орзудек туюларди. Эндиликда вилоятларда ҳам ана шундай жарроҳлик амалиётлари ўтказилаяпти. Хусусан, Наманган вилоятида бундан олти йил аввал сунъий қон айлантириш ва кардиоплегия шароитида хаста юрак устида дастлабки амалиётга қўл урилди.

Наманган вилояти кардиология марказида кардиохирургиянинг энг сўнгги ютуқлари асосида юракнинг ҳамма турдаги туғма нуқсонлари устида жарроҳлик амалиётлари олиб борилаяпти. Хусусан, юрак клапанларини алмаштириш, электр кардиостимулятор имплантацияси амалга оширилмоқда, коронарография усули ҳам кенг йўлга қўйилган.

Бундан йигирма беш йил аввал жойларда мана шундай шарт-шароитлар ҳақида тасаввур қилиш мумкинмиди? Йўқ, албатта. Истиқлол бизга имкониятлар эшигини кенг очди, миллат соғлиғини асрашдек масъулиятли вазифани давлат сиёсати даражасига кўтаришга замин яратди.

Табиийки, соҳада эришилаётган муваффақиятларни тарғиб қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга теран тушунтириш биз, сенаторлардан янада фаолликни талаб қилади. Зеро, халқимизнинг заҳматли меҳнати, пухта ўйланган ижтимоий сиёсат туфайли эришилаётган бемисл ютуқлар мустақиллик, тинчлик ҳамда осойишталик буюк неъмат эканлигини яна бир бор исботлайди.

**Солижон МЎМИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**



Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбир чин маънода саноат корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Чунки унда ишлаб чиқарувчилар нафақат ўз маҳсулоти ёки хизматларини намойиш этиш, балки тармоқларда юз бераётган янгиликлар билан танишиш, моддий-техника ресурслари, ускуналар, бутловчи буюмлар ҳамда эҳтиёт қисмларга нисбатан яқин истиқболдаги эҳтиёжни аниқлаш имкониятига эга бўлишаяпти.

# Манфаатли ҳамкорлик учун қулай муҳит

**Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" марказида Тошкент шаҳри ҳамда вилоятининг ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бўлиб ўтмоқда.**

Тошкент шаҳри ва вилояти республикамиздаги саноати жадал тараққий этаётган ҳудудлардан бири сифатида алоҳида ажралиб туради. Бинобарин, бу ердаги саноат корхоналари 17,5 мингдан зиёд, шундан қарийб 16,8 мингтаси ҳудудий тасарруфдаги ишлаб чиқариш субъектларидир.

2015 йил якунларига кўра, шаҳар ҳамда вилоят корхоналарида 31,2 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, шунинг асосий қисми ҳудудий корхоналар ҳиссасига тўғри келди. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат улуши эса Тошкент шаҳрида 25,2, вилоятда 31,5 фоизи етказилди.

Мутахассислар ушбу ярмаркани манфаатли ҳамкорлик учун муҳим майдон сифатида баҳолашмоқда. Чунки таҳлиллар тадбир иштирокчилари сони йил сайин ортиб, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперация алоқалари тобора кенгайиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, жорий йилда 400 га яқин корхоналар Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқараётган ёки ўзлаштираётган маҳсулотларини кенг омма эътиборига ҳавола этмоқда. Бошқача айтганда, галдаги ярмаркада аввалги йилдагига нисбатан 1,2 баробар кўп саноат субъектлари қатнашаяпти. Металлургия, машинасозлик, қурилиш, озиқ-овқат, чарм-пойабзал, кимё, мебелсозлик саноати ва полиграфия маҳсулотлари, шунингдек, инновацион технологиялар асосида тайёрланаётган халқ истеъмоли моллари, спорт анжомлари, айниқса, ярмарка иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотаяпти.

— Саккиз йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаётган бўлсак, ўтган давр биз учун ривожланиш палласи бўлди, — дейди "Sports Production and Trade" масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Илҳом Нурматов. — Бунда, аввало, юртимизда ишбилармонларга яратиб берилаётган имконият, қолаверса, мазкур саноат ярмаркаси ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки ушбу ярмарка сабаб биз, саноатчилар бир жойга йиғилиб, ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашаяпмиз. Соҳадаги янгиликларни ишлаб чиқаришга қўллаб, янги бизнес ҳамкорлар топишга муяссар бўлаяпмиз. Жумладан, ҳозирги кунда корхонамизда тайёрланаётган 12 турдаги спорт анжомлари республикамиздаги турли савдо шохобчалари, мактаб ва коллежларга етказиб берилмоқда. Бу йил буюртмачилар талабидан келиб чиққан ҳолда, спорт заллари учун мўлжалланган болаларбоп матлар тайёрлашни йўлга қўйдик.

Таъкидлаш жоизки, бултурги ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида 66,5 миллиард сўмлик, экспорт бўйича эса 88,8 миллион АҚШ долларилик шартномалар имзоланган эди. Бу йил мазкур кўрсаткични мос равишда 72 миллиард сўм ҳамда 100 миллион долларга етказиш режалаштирилмоқда. Ушбу натижага, албатта, эришилади. Нега деганда, жорий йилда илгари импорт қилинган ва эндиликда ҳудудий корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларга кенг ўрин берилган. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган енгил ҳамда юк автомобиллари учун мўлжалланган бутловчи буюмлар, кимё саноати маҳсулотлари, энергия тежовчи ускуналар ана шулар жумласидандир.

— Айни пайтда корхонамизда 54 хил салқин ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда, — дейди "Гелиос ИНГК" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдубосит Содиқов. — Ярмаркадан кўзлаган мақсадимиз эса уларни сотиш ва тарқатиш бўйича янги ҳамкорлар топишдир.

Ярмарка давомида ҳудудий саноат корхоналари томонидан бир қатор тақдимот маросимлари ҳамда тадбиркорлар ўртасида танлов ўтказилади. Энг яхшилар эса "Ўзтадбиркорэкспорт" ташқи савдо компанияси, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бошқа ташкилотлар томонидан муносиб тақдирланади.

Ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бугун ҳам давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига берилаётган божхона имтиёзлари хусусида матбуот анжумани ўтказилди.

**● Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика радиологлар уюшмаси ва Европа радиология мактаби ҳамкорлигида ташкил этилган радиология мактаби машғулотларида мамлакатимиз олимлари ҳамда шифокорлар, шунингдек, Греция, Швейцария, Россиядан келган мутахассислар қатнашди.**

● Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил саъй-ҳаракатлар самарасига бағишланган республика кўргазмали семинари якунланди.

**● Андижон вилоятининг Марҳамат туманида "Она ва бола соғлом бўлса — жамият мустаҳкам, мамлакат барқарордир" мавзуида анжуман уюштирилди.**

● Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобига қуриб битказилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# Беғубор орзулар, муштарак мақсадлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтиш жоизки, "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" ёшлар фестивали Ҳаракатнинг энг йирик тарғибот лойиҳаси бўлиб, унинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Авваллари акция доирасига 10 дан ортиқ лойиҳалар киритилган бўлса, жорий йилга келиб, ёшларнинг таклифлари асосида улар сони 18 тага етказилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маданият ва санъат намояндалари, эстрада хонандалари, опера ижрочилари, актёрлар, ёш олимлар, давлат мукофотлари соҳиблари, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони совриндорлари, шоирлар, ёзувчилар ҳамда спортчилардан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари иштирокида жойларда бири-биридан қизиқарли мулоқот ва учрашувлар уюштирилди.

"Замонамиз қаҳрамонлари", "Депутат ва ёшлар", "Нуронийлар эъзозимизда", "Виждонли сотувчи", "Ёшлар жонли ижро тарафдори" каби мавзулардаги мулоқотлар шулар жумласидандир. Улардан бири Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Бу ерда иштирокчилар "Бу менинг Ватаним" лойиҳасига мувофиқ, ёш АКТ ходимлари билан учрашдилар. Ўқувчиларга "Камолот" кутубхонаси" номи остида нашр этилган китоблар топширилди. Таълим муассасаси ёшлари учун халқимиз севган санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш қилинди.

Сергели туманида уюштирилган "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" лойиҳасида эса таниқли спортчилар, республика ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақалар совриндорлари, йигит-қизлар югуриш марафонида фаоллик кўрсатдилар. Чилонзор туманидаги 22-Меҳрибонлик уйида ўтказилган "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" лойиҳаси ҳам болажонларга ёрқин таассуротларни тақдим этди. Тарғибот гуруҳи аъзоларининг бошқа туманлардаги учрашувлари ҳам эртамиз эгалари учун мазмунли кечди.

Уч кун давомида қизғин тадбирларни қамраб олган, байрамона руҳда ўтган фестиваль "Туркистон" саройида ташкил қилинган гала-концерт билан якунланди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Эҳтиром ва эъзоз

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан давлатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан "Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман!" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

**МАЪНАВИЯТ**

Унда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда пойтахтимиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари, "Ораста қизлар" тўгараклари аъзолари иштирок этди.

Таъкидланганидек, халқимизнинг ардоқли шоираси номидаги мукофот билан тақдирланган қизлар бугунги кунда мамлакат ижтимоий ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатмоқда. Улар етакчи илмий-инновацион марказлар, олий ўқув юртлари, компания ҳамда ташкилотларда самарали изланишлар олиб бораётир. Зулфияхоним издошлари орасида йирик халқаро анжуманлар, санъат фестиваллари, спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, Ватанимиз довруғини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган шижоат эгаларининг сафи кенг. Шунингдек, 2014 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловда сайланган депутатларнинг 8 нафари Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибасидир.

Тадбирда ёшларга оид давлат сиёсатини ўқув масканлари ҳамда маҳаллаларда кенг тарғиб қилиш, ўсиб келаётган авлоднинг онгу шуурида ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга садоқат ҳиссини чуқур жо этиш, қизлар таълим-тарбиясини такомиллаштиришда Зулфияхоним издошларининг имконияти ва салоҳиятидан кенг фойдаланиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўқувчи-қизлар Давлат мукофоти совриндорларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси маълумотига кўра, мана шундай руҳдаги учрашувлар республикамизнинг барча ҳудудида ташкил этилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ННТ фаолияти ва ижтимоий шериклик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Семинар иштирокчилари "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг ҳаётга татбиқ қилиниши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда нодавлат секторнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга кўтарганини қайд этишди.

Дарҳақиқат, мазкур Қонун асосида давлат органлари ҳамда ННТ ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизми такомиллашиб бормоқда. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашлари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларининг тузилиши эътиборга моликдир. Ушбу комиссиялар ННТнинг жойлардаги давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, бу бўйича тегишли таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш, ижтимоий шериклик ҳолатига баҳо бериш ва мониторингини юритиш вазифаларини бажариб келмоқда.

Семинарда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир муҳим ҳужжатлар, хусусан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастуридаги устувор вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки пойтахтимиз ҳамда Тошкент вилоятидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти мисолида таҳлил қилинди. Бунда ижтимоий шериклик муносабатларининг ўрни ва аҳамиятига алоҳида урғу берилди.

— Ўтган йили иш бошлаган ташкилотимиз, асосан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, жумладан, ногирон кексалар, имконияти чекланган болалар ва сурункали хасталикка учраган фертиль ёшидаги аёлларнинг ижтимоий муҳофазасига кўмаклашишни мақсад қилган, — дейди Тошкент вилоятидаги "Фаровон юрт" хайрия жамоат бирлашмаси раиси Шаҳзод Қиличев. — Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратилган грант ҳисобидан "Маънавий соғлом оила — келажак пойдевори" лойиҳаси ижросига киришганмиз. Мазкур лойиҳа ёш оилаларда маънавий соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ажралишларнинг олдини олиш, оила институтини ривожлантиришга йўналтирилган қатор тадбирларни қамрайди. Албатта, уларни ташкиллаштиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа шериклар билан ўзаро ҳамкорликка таянамиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан эълон қилинган 3 ҳамда 4-давлат гранти танловларининг мавзу ва йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

**Ф. ИБРОҲИМОВА.**

**ДАВРА СУҲБАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлар Марказий давлат архивида "Ўзархив" агентлиги билан ҳамкорликда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги ҳамда 9 июнь — Халқаро архивлар кунига бағишлаб "Мустақил юрт архивлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

## Архив иши:

# Кеча ва бугун

Мамлакатимизда архив ишини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этишга катта эътибор қаратилаяпти. Шу каби саъй-ҳаракатлар туфайли архив ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, улардан фойдаланиш борасида юқори самараларга эришилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, республикамизда архив ишини тартибга солиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июнда имзоланган "Архив иши тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ва архивлаштириш фаолиятини тартибга солувчи бошқа бир қатор ҳужжатлар асосида идоравий архивлар иши меъёрлаштириб борилаётир.

— Архив ҳужжатларини жамлаш, сифатли ҳамда талаб даражасида сақлаш, сақловдаги ҳужжатлар ҳисобини янги технологиялар асосида олиб бориш, ижтимоий ва ҳуқуқий тоифадаги сўровлар юзасидан идоралар ҳамда фуқароларга сифатли хизмат кўрсатиш изчил таъминланмоқда, — дейди "Ўзархив" агентлиги бош директори ўринбосари Дилдора Кўчарова. — Мамлакатимизда 103 давлат архиви, маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида 110 идоралараро архивлар ҳамда 9 мингдан зиёд идоравий архив фаолият юритмоқда. Уларда сақланаётган миллий архив фонди ҳужжатлари 8,6 миллион сақлов бирлигига, идоравий архивларда 1,2 миллион бирликка етди.

Соҳада кадрлар тайёрлашга доимий эътибор бериб келинади. Жумладан, архив муассасалари, архив иши ва иш юритиш йўналишида кадрлар тайёрлайдиган 28 та ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар коллежлари, 4 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда.

Тадбирда истиқлол йилларида соҳада эришилган ютуқлар, чунончи, архивлар янги бино ва қўшимча иншоотлар билан таъминлангани, уларда ходимлар ҳамда фойдаланувчилар учун қулай шароитлар яратилаётгани алоҳида қайд этилди.

Давра суҳбати доирасида "Ўзбекистон архивлари: кеча ва бугун" номли фотокўргазма ташкил қилинди.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# УЛКАН САЛОҲИЯТ, БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР, ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Шиша тайёрлаш — ўта нозик жараён, — дейди акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Зокир Раҳматуллаев. — Аввало, таркиби кварц, доломит, натрий сульфат ва кальцийлаштирилган сода каби 7 та компонентдан иборат аралашма 1650 даража иссиқликда қайнатилгач, махсус каналлар орқали қолиплаш дастгоҳларига юборилади. Сўнгра у 450 — 500 даража совуқ ҳароратда, уч босқичда музлатилади. Қадоқлаш бўлимида эса тайёр маҳсулотлар махсус ўрамларга жойланади. Якунда улар савдо шохобчалари ҳамда буюртмачилар манзилларига жўнатилади.

Силлиқланган ойна ишлаб чиқариш цехида ҳам иш қизғин. Бу ердаги 235 нафар мутахассис кунига 16 минг квадрат метр ҳажмда маҳсулот тайёрламоқда.

Тобланган ойна тайёрлаш цехи эса Италиядан келтирилган технология билан жиҳозланган. 2002 йилгача бу ерда йилига 4 миллион дона маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, айни пайтда мазкур кўрсаткич 7,5 миллион донани ташкил этаяпти. Тобланган ойнанинг асосий қисми мамлакатимиздаги автомобилсозлик, трактор ҳамда вагон тайёрлаш корхоналарига етказиб берилаётир. Цех бошлиғи Шокиржон Бўстоновнинг таъкидлашича, бундай муваффақиятга эришишда юртимизда саноат тармоқлари, ишбилармонлар учун яратилган имкониятлар қўл келмоқда. Қолаверса, босқичма-босқич амалга оширилаётган техник ва технологик янгиланишлар "Kvarts"нинг салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилаяпти.



Иқтисодиётда ёрдамчи хўжалик — қўшимча даромад манбаи, деган тушунча мавжуд. Шундан келиб чиқиб, жамият қошида иссиқхона ҳамда чорвачилик хўжаликлари, 60 ўринли сиҳатгоҳ фаолияти йўлга қўйилган. Қолаверса, бир гектар майдонда 520 туп ўрик ҳамда гилос кўчатлари парваришланаётир.

— Яқинда яна иккита истиқболли лойиҳани рўёбга чиқардик, — дейди "Kvarts" АЖ раҳбари Акмал Пўлатов. — Натижада кунига 3 тонна мева-сабзавотни консервалаш имконияти юзага келди. Бу ерга пишиқчилик мавсумида 20 кишини ишга жалб қиламиз. Шунингдек, маҳсулотларимизни ўраш ва қадоқлашда қўлланиладиган саноат қоғозини ўзимизда тайёрлашни ўзлаштирдик. Бунинг учун хориждан энг сўнгги русумдаги ускуна ҳамда дастгоҳлар келтирилди. Улар бир кеча-кундузда 10 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Ҳозир 6 нафар мутахассисни ишга жалб қилганмиз.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 11 февралдаги "2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори корхона фаолияти ривожида янги уфқларни очмоқда. Унга кўра, саноатга инвестициялар жалб этиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Мақсад, шиша тайёрлашда маҳаллийлаштириш даражасини янада орттиришдир.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*“Royal Dutch Shell” (Нидерландия/Буюк Британия) нефть-газ корпорацияси шу йил апрель ойида “Туманли альбион”даги “BG Group Plc” газ компаниясини 54 миллиард АҚШ доллари эвазига сотиб олган эди.*

### Харажатларини қопламоқчи



У харажатларини қоплаш мақсадида қатор давлатлардаги бизнесини тўхтатишини ҳамда йил давомида 12,5 минг нафар ходимини ишдан бўшатишини маълум қилди. Бу ҳақда “Рейтер” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ўз навбатида, мазкур брендга тегишли акциялар нархи шу ҳафта бошида 1,5 фоиз қимматлашган.

### Инвестициялар ҳажми ошди

*Еврохудудда иқтисодий ўсиш биринчи чоракда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,6 фоиз ўсди.*



Бунда истеъмол харажатлари, компаниялар томонидан ажратилган инвестициялар ҳажми ошгани асосий омил бўлди. Германия, Франция, Италияда бу борада ижобий натижаларга эришилган. Греция эса ҳамон танг аҳволда қолаяпти. Айни пайтда ягона валюта бирлигига аъзо давлатларда импорт кўрсаткичлари экспортга нисбатан ортиб кетган.

### Улушини сотувга қўйди




Япониянинг “SoftBank Group Corp” медикорпорацияси Хитойнинг “Alibaba” интернет-ритейлеридан бир пайтлари харид қилиб олган акциялари пакетининг маълум миқдорини 7,9 миллиард АҚШ доллари эвазига сотишни режалаштираяпти. Бу ҳақда “The Financial Times” нашри хабар берди.

“Кунчиқар юрт” холдинги келиб тушган маблағни қарзларини қоплашга йўналтиради.

### Миснинг фойдаси

*АҚШлик бир гуруҳ олимлар мис семиришнинг олдини олишда катта ёрдам беришини аниқлашди.*

Яъни мазкур модда ёғ ҳужайраларини парчалайди ҳамда организм учун зарур қувват олишда ҳал қилувчи роль ўйнаб, ортиқча вазнни бартараф этади. Бу ҳақда “Nature Chemical Biology” журналида чоп қилинган илмий мақоладан тўлиқ маълумот олиш мумкин.

Мис бирикмаси денгиз моллюскалари, сабзавотлар, қўзиқорин, данак, ёнғоқ ва дуккакли ўсимликларда мавжуд.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Standard & Poor’s»:

## Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги таъминланмоқда

МДҲга аъзо баъзи мамлакатлар рейтинг кўрсаткичларининг пасайиши кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистон банк тизимининг иқтисодий таваккалчиликка таъсирчанлиги “барқарор” дея баҳоланаётгани ижобий кўрсаткичдир. Чунки банк тизимининг меъёрлари юқори даражада сақланиб, айрим жиҳатлар бўйича халқаро стандартлардан юқорилиги таъминланмоқда. Натижада республикамиздаги барча тижорат банки халқаро рейтинг агентликларининг ижобий баҳосини олишга муяссар бўлаяпти.

Экспертлар давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 21 декабрдаги “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори уларнинг корпоратив бошқарувдаги иштирокини фаоллаштириш, тижорат банкларининг устав капиталидаги давлат улуши ва активларини сотиш ҳисобига давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартиришга шароит яратишини алоҳида таъкидлашди.

Айтиш жоизки, Марказий банк Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ҳамда банк назорати бўйича Базель қўмитаси тавсияларига мувофиқ, банк назоратини илғор халқаро тажрибалар асосида мунтазам равишда такомиллаштириб бораётир. Хусусан, активлар сифати устидан мониторинг ўрнатилиши, кредит портфели диверсификация қилиниши, капитал етарлилиги ва ликвидлик кўрсаткичлари мамлакатимиз тижорат банкларининг барқарор фаолият юритиши учун қулай шароит яратмоқда.

